



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2020 йил – ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2020 йил 12 июнь, № 124 (7626)

Жума

Сайтимида ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЕТБ ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН МУЗОКАРА ЎТКАЗДИ



### Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 11 июнь куни Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Сума Чакрабарти билан видеоалоқа орқали музокара ўтказди.

Сўхбат аввалида давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикасининг Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан муносабатларида кейинги йилларда юксак даражага эришилгани ва самарали ўзаро ҳамкорлик амалга оширилаётганини катта мамнуният билан қайд этди.

“Йўл харитаси” ва ЕТБнинг Ўзбекистон бўйича стратегияси биргаликда амалга оширилиши туфайли бугун ушбу банк мамлакатимизда барқарор ижти-

мой-иқтисодий тараққиётни таъминлашга қаратилган устувор дастур ва лойиҳаларни илгари суришда муҳим шериклардан бирига айланди.

Бугунги кунда лойиҳалар портфели қарийб 1,2 миллиард долларни ташкил этиб, барча устувор йўналишларни қамраб олган. Ажратилаётган маблағларнинг учдан бири хусусий сектор ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга, шу жумладан, республикада корона-вирус пандемиясининг салбий

оқибатларини камайтиришга йўналтирилмоқда. Бундан ташқари, томонлар умумий қиймати 1 миллиард доллар бўлган янги лойиҳа тақлифларини кўриб чиқмоқдалар.

Банк экспертлари Ўзбекистонда давлат-хусусий шериклиги, капитал бозорини ривожлантириш, банк тизимини ислох қилиш ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари бўйича қонун ҳужжатлари ва стратегик ташаббусларни ишлаб чиқишда ҳам фаол иштирок этдилар.

ЕТБ Тошкентдаги ваколатхонасини кенгайтирди, Андижон шаҳрида офисини очди. Келгуси йилда Урганч шаҳридаги офис ўз иштини бошлаши кўтилмоқда.

Президентимиз ҳамкорликнинг амалий натижалари ҳақида сўз юритар экан, ўзаро ишончни мустаҳкамлаш ва самарали ҳамкорликни ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси ва бу борадаги фаол саяё-ҳаракатлари учун Сума Чакрабартига самимий миннатдорлик билдирди.

Етакчи халқаро молиявий институт раҳбари бундай шаклдаги ўрашувнинг ташкил этилгани учун чуқур миннатдорлик билдириб, банк Ўзбекистонда амалга оширилаётган янги ислохотлар йўлини ва

Марказий Осиёдаги минтақавий сиёсатни ҳар томонлама, шу жумладан, лойиҳалар портфели ва молиявий-техник кўмак ҳажмини кенгайтириш орқали қўллаб-қувватлашда қатъий эканини таъкидлади.

Сума Чакрабарти Сирдарё вилоятидаги факултетада ҳодиса оқибатларини бартараф этиш ва мамлакатимизда пандемия кенг ёйилишининг олдини олиш бўйича кўрилган комплекс чоратadbirlарни юксак баҳолади.

Видеомулоқот чоғида ўзаро манфатли ҳамкорликни кенгайтириш масалалари батафсил кўриб чиқилди. ЕТБнинг давлат корхоналарини трансформация қилиш ва банкларни хусусийлаштиришдаги иштирокига, энергетика ва нефть-газ тармоқларини ислох қилиш,

ажратилган кредитларни самарали ўзлаштириш, бизнесни, шу жумладан, тўқимачилик тармоғидаги лойиҳаларни молиялаштиришни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Фаол мулоқот ва алмашинувларни давом эттиришга, жумладан, Тошкент шаҳрида бўлажак Хорижий инвесторлар кенгашининг ўрашуви ва 2023 йилда Самарқанд шаҳрида ЕТБ Бошқарувчилар кенгаши мажлисини ўтказишга биргаликда тайёргарлик кўриш бора-сида келишиб олинди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

### 11 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлисини жорий йил 19 июнь куни қабул қилинган қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева ялпи мажлис кун тартибига киритилган ҳар бир масала юзасидан халқ фикрини эътиборга олиш, қолаверса, ҳудудлардаги муаммоларни доимий тарзда ўрганиб бориш ва уларни ялпи мажлис муҳокамасига олиб чиқиш зарурлигини таъкидлади.

Видеоанжуманалоқа шаклида ўтказилган ялпи мажлисда бир қатор долзарб масалалар кўриб чиқилиши режалаштирилган.

“Инновацион фаолият тўғрисида”ги, “Ов қилиш ва овчилик ҳўжалиги тўғрисида”ги, “Фуқароларнинг жамоат тартибини сақлашда иштирок этиши тўғрисида”ги, “Геодезия ва картография фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари шулар жумласидан.

Бундан ташқари, “Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексига маҳкумларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунлар сенаторлар томонидан муҳокама қилинади.

“2007 йил 27 июндаги Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ўртасида

ҳамкорликдаги ҳарбий ўқувларни ўтказиш тўғрисидаги Битимга қўшимчалар киритиш ҳақидаги Баённомани (Бишкек, 2019 йил 29 апрель) рафиқация қилиш тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг Бўғувчи, захарли ёки бошқа шу каби газлар ва бактериологик воситаларнинг урушда қўлланилишини тақиқлаш тўғрисидаги Протоколга (Женева, 1925 йил 17 июнь) қўшилиши ҳақида”ги қонунлар ҳам ялпи мажлис кун тартибига киритилган масалалардан саналади.

Шу билан бирга, Адлия вазирлигининг Ўзбекистон Республикасида 2019 йилда ҳуқуқий тартибот ва маърифат соҳасида амалга оширилган ишлар юзасидан ахбороти, қолаверса, Самарқанд вилояти ҳокимининг ҳудудларни ривожлантириш ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши фаолияти ҳақидаги ҳисоботи эшитилиши назарда тутилган.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга оид қонун ҳужжатларининг ижро этилиши ҳолати, шунингдек, чиқиндилар билан боғлиқ масалаларда вужудга келган муаммолар ва уларнинг аҳоли саломатлигига таъсири юзасидан Вазирлар Маҳкамасига парламент сўровлари юбориш масаласи кўриб чиқилди. Кенгаш мажлисида Сенат қўмиталари таркибига ўзгартириш киритиш, хусусан, Қудратулла Рафиқовни Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси, Санобар Суяровани эса Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси аъзоллигига сайлаш бўйича қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати.

## Олий Мажлис Қонунчилик палатаси

### Қонун ижодкорлиги: ЯНГИ АМАЛИЁТ, КРЕАТИВ ЁНДАШУВ, ФАОЛ ТАШАББУС

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, хотин-қизларнинг ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, қонунчиликка янги амалиётни татбиқ этишга қара-

тилган бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди. Қайд қилиш керак, кун тартибидagi масалалар даставвал сиёсий партияларнинг қуйи палатадаги фракцияларида атрофлича муҳокама этилган эди.

### Одам савдосига қарши курашиш — долзарб масала

БМТ маълумотларига кўра, дунёда ҳар йили тахминан 2 миллион 700 минг киши одам савдоси қурбонига айланмоқда. Халқаро экспертларнинг баҳолашича, ушбу жиноят ташкилотчилари томонидан олинган йиллик даромад миқдори 7 миллиард АҚШ долларидан ошиб кетган. Ташвишланарлиси шундаки, одам савдоси жиноятдан жабрланганларнинг 80 фоизи аёллар ва болалардир. Ҳар йили дунё

бўйича 600 — 800 минг нафар аёл ва болалар алдов йўли билан хорижий мамлакатларга олиб кетилиб, сотиб юборилмоқда.

Мажлисида мамлакатимизда ушбу долзарб муаммоларга қарши курашишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган янги таҳрирдаги “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда муҳокама этилди.



## Эътироф

### «Ўзбекистонда диний эркинлик билан боғлиқ вазиятни яхшилаш бўйича жиддий қадамлар қўйилди ва бу давом этмоқда»

Ўзбекистоннинг Вашингтонда жойлашган элчихонаси хабарига кўра, куни кеча Америка Қўшма Штатлари Давлат департаменти 2019 йилда дин эркинлиги бўйича навбатдаги маърузасини эълон қилди. Унда дунёдаги эътиқод эркинлиги билан боғлиқ ҳолат баҳоланган.

Маълумот ўрнида таъкидлаш жоиз, мазкур ҳужжат ҳар йили чоп этилади ва унинг асосида АҚШ Давлат котиби томонидан у ёки бу давлатни “алоҳида хавотирга молик” мамлакатлар рўйхатига киритиш тўғрисида қарор қабул қилинади.

Хисоботни тақдим қилар экан Давлат котиби Майкл Помпео диний эркинликни таъминлаш масаласи АҚШ ташқи сиёсати кун тартиби-

да устувор аҳамият касб этишини таъкидлади ва бир қатор мамлакатлардаги бу борадаги вазиятга баҳо берди.

Хусусан, у Ўзбекистонда диний эркинлик соҳасидаги ижобий ўзгаришларни алоҳида эътироф этди.

“Ўзбекистонда диний эркинлик билан боғлиқ вазиятни яхшилаш бўйича жиддий қадамлар қўйилди ва бу давом этмоқда. Шу йил бо-

шида мазкур давлатда бўлганимда, мен диний етакчилар билан унутилмас мулоқот ўтказган эдим”, деди Майкл Помпео.

“Биз 2019 йил давомида бу мамлакатда ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан рўйхатдан ўтмаган диний гуруҳларга қарши бирорта ҳам раъй ташкил қилган. Бу эътибор қаратдик. Утган йиллар билан солиштирсак, 2018 йилда бундай раъйлар 114 тани, 2017 йилда эса 240 раъй ташкил қилган. Бу улкан муваффақият, ҳақиқий ўзгаришдир”, дея қайд этди АҚШ Давлат котиби.



## КАРАНТИН ЧОРАЛАРИНИ БОСҚМА-БОСҚИЧ ЮМШАТИШ ДАВОМ ЭТТИРИЛАДИ

15 ИЮНДАН БОШЛАБ «ЯШИЛ» ВА «САРИҚ» ҲУДУДЛАРДА УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ ОБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИГА РУХСАТ БЕРИЛМОҚДА. БУНДА ҚАНДАЙ ТАРТИБ-ҚОИДАЛАРИГА РИОЯ ЭТИШ ЗАРУР?

- Банкетлар ва бошқа оммавий тадбирларни ўтказишга йўл қўймаслик;
- фаолиятини 8:00 дан 23:00 га қадар ташкил этиш;
- столлар оралиғидаги 2 метрдан кам бўлмаган ижтимоий масофани таъминлаш;
- бир стол атрофида 4 кишидан кўп бўлмаган (10 кишидан кўп бўлмаган бир оила аъзолари бундан мустасно) мижозларни жойлаштириш;
- ҳодимларнинг тиббий ниқоб ва тиббий қўлқопда бўлиши;
- ҳар бир мижоздан кейин стол ва бошқа жиҳозларнинг юза қисмини дезинфекцион воситалар билан тозалаш.

Республика махсус комиссияси қарори асосида тайёрланди.



Парламент дипломатияси

ОЛИЙ МАЖЛИС ФАОЛИЯТИ ҚАЙСИ ЖИҲАТИ БИЛАН БОШҚА ДАВЛАТЛАР ПАРЛАМЕНТЛАРИГА НАМУНА БЎЛА ОЛАДИ?

Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Олий Мажлис Сенати, Парламентлараро Иттифоқ, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари билан ҳамкорликда видеоқонференцалоқа шаклида халқаро парламент форуми бўлиб ўтди. Тадбир "БМТнинг Инсон ҳуқуқлари Кенгаши ва Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси мисолида БМТнинг устав ва

шартномавий органлари тавсияларини амалга оширишда парламентнинг роли" мавзусига бағишланди.

Таъкидлаш жоиз, бундай форматдаги анжуман халқаро парламентлар ҳамкорлиги тарихида илк бор ташкил этилди. Уни Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари, Парламентлараро Иттифоқ раиси ўринбосари Акмал Саидов олиб борди.

Мулоқотда маҳаллий ва хориж парламентлари аъзолари, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, Швейцария (Женева), Саудия Арабистони (Жидда), Япония (Токио), Қирғизистон (Бишкек), Польша (Варшава) каби

чет эл мамлакатлари экспертлари онлайн тарзда иштирок этди.

Халқаро форумда Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нурдин

жон Исмоилов, Парламентлараро Иттифоқ Бош котиби Мартин Чунгонг, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг Универсал даврий ҳисобот бўлими бошлиғи Жанни Магазени,

БМТнинг юртимиздаги доимий вакили Хелена Фрейзер, ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори Жон Макгрегор, шунингдек, халқаро экспертлар сўзга чиқди.

Айни чоғда инсон ҳуқуқлари риоэ этилишини таъминлаш ва БМТнинг устав ҳамда шартномавий идоралари тавсияларини амалга оширишни мониторинг қилишда қонунчилик органлари вазибалари бўйича самарали фикр алмашилди. Хусусан, маълумотларга кўра, бундай тавсияларнинг 50 фоизидан мамлакат миллий қонунчилик базаси ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш назарда тутилган.

Шунинг ўзиёқ бу борада парламент қандай роль ўйнаши лозимлигини далолат бериб турибди.

Тадбир давомида Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, парламентаризм, фуқаролик жамияти, Олий Мажлис палаталаридаги Одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш, БРМга эришиш каби йўналишлардаги миллий комиссияларни ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаси ижобий баҳоланди. Мамлакатимиз коронавирус пандемиясига қарамай, халқаро даражадаги кўплаб анжуманларда мунтазам қатнашиб келаётгани алоҳида таъкидланди.

«Ўзбекистонда диний эркинлик билан боғлиқ вазиятни яхшилаш бўйича жиддий қадамлар қўйилди ва бу давом этмоқда»

Диний эркинлик соҳасидаги махсус топшириқлар бўйича элчи Самуэл Браунбек ҳам илҳом топибди. Ҳамкорликдаги ўзбекистон диний эркинликлар соҳасида алоҳида ташвиш уйғотувчи давлатлар рўйхатидан чиқарилганини таъкидлаб ўтди.

Майлумки, 2018 йилнинг декабрь ойида АҚШ Давлат департаменти раҳбари диний эркинликни таъминлаш борасидаги салмоқли ютуқларни эътироф этган ҳолда, ўз қарори билан Ўзбекистонни ушбу тоифадан расман чиқарган эди.

АҚШнинг Халқаро диний эркинликлар бўйича комиссияси раисининг ўринбосари Надин Манза маърузанинг эълон қилинишига изоҳ бера экан, камданкам давлатлар диний эркинликни таъминлаш борасида Ўзбекистон каби чораларни кўраётганига тўхталиб ўтди. "Давлат департаменти раҳбари томонидан Ўзбекистондаги ўзгариш ва ютуқлар эътироф этилганини кўриш таҳсинга лойиқ", деди у.

"Виджон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги янги қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда фаол қатнашаётган Бригам Янг университети Халқаро ҳуқуқий ва диний тадқиқотлар маркази директорининг ўринбосари Элизабет Кларк ҳам Ўзбекистоннинг мазкур соҳадаги ютуқларини юксак баҳолади. "Ҳақиқатан ҳам, диний эркинликларни таъминлаш борасидаги сайёҳ-харакатлари учун Ўзбекистон муносиб эътирофга сазовор", деди профессор Кларк.

«Халқ сўзи».

Олий Мажлис Сенати

Университет профессор-ўқитувчи ва талабалари билан онлайн мулоқот

Қуни кеча Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Солиқ Сафоев Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети профессор-ўқитувчи ва талабалари, докторант ҳамда тадқиқотчилари билан онлайн мулоқот қилди.

Учрашувда пандемиянинг геосийсий, молиявий, иқтисодий, гуманитар ва ижтимоий соҳаларга таъсири ҳақида фикр алмашилди. Шу билан бирга, пандемия давлатлараро муносабатлардаги мавжуд ўзаро ишонсизликка асосланган муаммоларни келтириб чиқарганига ҳам уру берилди. Ўз навбатида, юртимизда фуқаролик жамияти ва давлат органлари ўртасида коронавирус пандемиясининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича ҳамкорлик изчил йўлга қўйилгани ва бу ўзининг самарасини бераётгани айтилди.

Ҳозирги шaroитда Ўзбекистон аҳолиси турмуш фаровонлигини оширишнинг кейинги босқичлари, пандемия билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишдаги чора-тадбирлар, эпидемиянинг келиб чиқиши ва Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорлик истиқболлари юзасидан қизиқарли маълумотлар берилди.

«Халқ сўзи».

Сўз — анжуман иштирокчиларига

Мартин ЧУНГОНГ, Парламентлараро Иттифоқ Бош котиби:

— Ўзбекистон халқаро парламентаризмининг ривожлантиришига қандай ҳисса қўшиб келаётгани, қолаверса, Олий Мажлис томонидан COVID-19 пандемияси салбий оқибатларини камайтириш бўйича олиб борилаётган сайёҳ-харакатларга гувоҳ бўлиб турибмиз.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари соҳасида туб ислохотлар амалга оширилди. Жумладан, эрта никоҳнинг олдини олиш, қийноқларга қарши курашиш ва халқаро тавсияларни ижро этиш борасида қилинаётган ишлар эътиборга лойиқ. Ўзбекистон парламенти Парламентлараро Иттифоқ фаолиятида устувор ўрин тутадиган гояларни амалга ошириш рамзи ҳисобланади.

Мамлакатингиз билан конструктив ҳамкорликни давом эттириш, парламентаризм ролини ошириш, фуқаролик жамияти, инсон ҳуқуқлари ҳимояси механизмлари ва тегишли тузилмалар салоҳиятини ривожлантириш, шунингдек, халқаро тажрибани инobatта олган ҳолда эътиқод ҳуқуқи ва виждон эркинлигини таъминлаш бўйича фаолиятни такомиллаштиришга кўмак беришга тайёр эканлигимизни маълум қиламиз.

Хелена ФРЕЙЗЕР, БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили:

— Ўзбекистон парламенти билан ҳамкорлик доирасида, хусусан, БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича агентликлари тавсияларига қонунларни уйғунлаштириш йўналишида катта муваффақиятларга эришдик. Бунда Олий Мажлиснинг роли салмоқ-

ли, албатта. Дикқатга сазовор томони, пандемия инсон ҳуқуқларига оид масалаларни ҳал этишда фуқаролик жамияти билан мулоқотни мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнаётган Ўзбекистон парламенти фаолиятига таъсир қилмади.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси тавсияларини амалга ошириш бўйича иккита йўналиш — тинч митинглар ва йигилишлар ҳуқуқини таъминлаш ҳамда эътиқод эркинлигини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Биз, Олий Мажлис билан юқорида кўрсатиб ўтилган масалалар бўйича қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда ҳамкорлик қилишга тайёрмиз.

Жон МАКГРЕГОР, ЕХХТ лойиҳалари координатори:

— Сўнгги йилларда Ўзбекистон парламентининг сезиларли ютуқларини тан олиш зарур, бу ЕХХТ минтақаси учун яхши намуна бўлиши мумкин. Сўнгги тўрт йил ичида парламентни демократлаштириш бўйича олиб борилаётган ислохотлар аъзо мамлакатларнинг энг яхши амалиёти сифатида ҳақиқатан ҳам қўйиб чиқилиши мумкин.

Охириги йилларда Олий Мажлис билан ҳамкорлик янги босқичга кўтарилди — бир қатор муҳим лойиҳалар амалга оширилди. Мен Хелена Фрейзернинг инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда қатнашиш бўйича тавсияларини қўллаб-қувватлайман.

Жанни МАГАЗЕНИ, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг Универсал даврий ҳисобот бўлими бошлиғи:

— Дунё ҳамжамияти Ўзбекистонни, бу ерда рўй бераётган ўзгаришларни қузатиб борапти. Мамлакат парламенти ҳам ривожланмоқда, халқаро ташкилотлар билан фаол ҳамкорлик қияпти.

Ўзбекистон БМТ ва бошқа халқаро ташки-



Мартин ЧУНГОНГ, Парламентлараро Иттифоқ Бош котиби

Ришар КОМЕНДА, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг Марказий Осиё бўйича ваколатхонаси бошлиғи:

— Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари, хусусан, қонунчиликни такомиллаштириш соҳасида ижобий ўзгаришлар кузатиляпти.

БМТнинг қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенцияси, фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт юзасидан конструктив мулоқот ўтказилди.

Ўзбекистон ҳуқуқати мазкур йўналишдаги чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича "ҳаракатлар режаси"ни ишлаб чиқиш борасида иш олиб бораётгани эътиборга молик.

Марғуб САЛЕМ БУТ, Ислоҳ ҳамкорлик ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил доимий комиссияси ижрочи директори:

— Ушбу форумдаги тақдиротлар жуда долзарб аҳамиятга эга. Бу инсон ҳуқуқлари жаҳҳасида парламент ролини мустаҳкамлашда яхши тажриба бўлди. БМТ 22 йилдан буён инсон ҳуқуқларини илгари суриш соҳасида парламент ролини оширишга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Жуда муҳим жиҳатлар қамраб олинган резолюция қабул қилингани бунга мисолдир.

лотларнинг инсон ҳуқуқларини қўллаб-қувватлаш бўйича тавсиялари ҳамда стандартларини бундан буён ҳам илгари суришига ишончим комил. Парламент аъзолари эса ана шу мақсадларни амалга оширишда етакчи бўгин ҳисобланади.



Георгий ТУГУШИ, БМТ ва ЕХХТнинг халқаро эксперти:

— Инсон ҳуқуқлари бўйича "Йўл харитаси" ва стратегияни ишлаб чиқишда иштирок этиш имконияти яратиб берилгани учун миннатдорлик билдираман. Қонунчилик органлари инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим роль ўйнаши керак. Ўзбекистон парламенти инсон ҳуқуқларини илгари суриш, шартномавий органларнинг халқаро стандартлари бўйича ва тавсияларини бажаришда ўз ўрнини намoён эта олишига ишонаман.

Таъкидлаш жоиз, тадбир иштирокчилари Ўзбекистон Президентининг парламент фаолиятини такомиллаштириш ва унинг жамиятдаги ролини кучайтиришга қаратилган ташаббусларини қўллаб-қувватлашди. Олий Мажлис фаолияти ва у томонидан кейинги йилларда эришилган ютуқлар ЕХХТ майдонида энг яхши амалиёт бўйича андоза ва кўрсаткич бўлиб хизмат қилиши мумкин.



Саиджон МАХСУМОВ («Халқ сўзи»).

Қонун ижодкорлиги: ЯНГИ АМАЛИЁТ, КРЕАТИВ ЁНДАШУВ, ФАОЛ ТАШАББУС

2019 йилда одам савдоси сифатида квалификация қилинадиган ҳаракатлар устидан тушган мурожаатларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, бундай қилмишларнинг 86 фоизи хорижий давлатлар ҳудудида содир бўлган. Амалдаги қонунчиликдаги ҳуқуқий бўшлиқлар фуқароларнинг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқларини таъминлашда бир қатор нуқолайликларни келтириб чиқараётган эди.

Эътиборлиси, лойиҳада юқоридаги камчиликларнинг олдини олишга қаратилган нормалар, одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги муҳим тамойиллар ўз аксини топган.

Халқ вакиллари қайд этганидек, мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши одам савдоси жабрдийдалари бўлган фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари кафолатли ҳимояланишига асос яратяди.

Кизгин баҳс-мунозаралардан сўнг, мазкур ҳужжат қабул қилинди ва Сенатга юбориладиган бўлди.

«Тилсиз гувоҳлар» жиноятларни очади

Мамлакатимизда кейинги йилларда фуқаролар тинчлиги ва осийиш-талигини таъминлаш, жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда. Соҳа фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида замонавий усул ва технологиялар жорий этиляпти. Масалан, чет эл тажрибасида жиноятчилик билан курашишда геном ахбороти маълумотлар базасидан кенг фойдаланилади. Ана шу маълумотлар ёрдамида жиноятларни фош

этишда юқори самарага эришилади. Ҳозирги кунда мамлакатимизда геном ахборотини олиш, тўплаш, ундан фойдаланиш учун қонунчилик базаси ва механизм мавжуд эмас.

Мажлисда депутатлар томонидан биринчи ўқишда муҳокама қилинган "Геном бўйича давлат рўйхатидаги инсон тўғрисида"ги қонун лойиҳаси мазкур йўналишдаги муносабатларнинг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Депутатларнинг таъкидлашича, айни пайтда жиноятчилар турли ҳийла-найранларни қўллаб, содир этилган жиноятни изларини қолдирмасликка ҳаракат қилишмоқда. Бу эса уларни фош этиш ва очиб жараёнини қийинлаштирмоқда. Геном ахбороти маълумотлар базаси ёрдамида жиноятларни очиб механизмнинг жорий қилиниши эса фош этиш мураккаб, ўта оғир бўлган ёки муқаддам очилмаган жиноятларни очишга кўмаклашяди, шунингдек, геном ахборотининг ягона маълумотлар базаси яратилиши бедарак йўқолган шахсларни топиш имконини беради.

Қонун лойиҳаси билан эса геном бўйича давлат рўйхатида олиш доирасидаги ваколатли органларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, геном ахборотини йиғиш, унга ишлов бериш ҳамда ҳимоя қилишнинг асосий талаблари, геном бўйича давлат рўйхатида олиш тартибини, биологик материал ва геном ахборотини олиш, қайд этиш, сақлаш, ундан фойдаланиш ҳамда уни йўқ қилиб ташлаш тартиби белгиланмоқда.

Депутатларнинг фикрича, мазкур қонуннинг қабул қилиниши содир этилган жиноятларни биологик ашёвий далиллар ёрдамида очишга кўмаклашиб, суд-тергов органлари-



нинг исботлов базасини мустаҳкамлайди.

Кизгин муҳокамалар ва сиёсий партиялар фракцияларининг қонун лойиҳаси юзасидан билдирган нуқта назарларидан сўнг, лойиҳа биринчи ўқишда қабул қилинди.

Чет элга ишга юборишдаги фирибгарликларнинг олди олинади

Аҳоли бандлигини таъминлаш ва шу орқали уларнинг турмуш фаровонлигини яхшилаш мақсадида "Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида"ги Қонун қабул қилиниб, 2018 йилдан бошлаб мамлакатимизда бир қатор ана шундай агентликлар фаолият юрита бошлади. Асосан, фуқароларни чет элда ишга жойлаштириш билан шуғулланган бу каби агентликлар орасида ҳалолликка амал қилмай, уларга мурожаат этган фуқароларнинг маблағларини фирибгарлик йўли билан ўзлаштириш ҳолатлари ҳам кузатилди. Ушбу

ҳолатлар "Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида"ги Қонунга ўзгариш ва қўшимчалар киритилишига сабаб бўлди.

Депутатлар мазкур қонун лойиҳасини биринчи ўқишда қўриб чиқди.

Таъкидланганидек, лицензияловчи органда хусусий бандлик агентликлари фаолиятини доимий ўрганиб бориш мажбурияти ҳам, ваколати ҳам мавжуд эмаслиги бундай агентликлар томонидан фуқароларни алдаш ёки ишончини суиистеъмол қилиш, фуқароларга жуда кўп миқдорда моддий зарар етказиш каби жиноятлар содир этилишига олиб келган. Хусусан, ўтган давр мобайнида 10 та хусусий бандлик агентлигининг раҳбар ва ходимларига нисбатан жиноят иши кўзғатилган бўлиб, улар томонидан 7123 нафар фуқарога 72,3 миллиард 888 миллион сўм миқдорда моддий зарар етказилган.

Муҳокама этилган қонун лойиҳаси билан нормалар янада такомиллаштирилиб, Ўзбекистон Республикасидан ташқарида иш қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича

кўрсатилган хизматлар учун тўловларни чет эллик иш берувчи ҳисобидан амалга ошириш механизмини ҳам жорий этиш назарда тутилмоқда. Шунингдек, хусусий бандлик агентликлари томонидан чет элдан иш қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатилишдан аввал уларга кўрсатилган хизматлар учун тўловлар ундирилмаслиги белгиланмоқда.

Халқ вакиллари фикрига кўра, мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши хусусий бандлик агентликлари фаолиятда турли суиистеъмолчиликлар келиб чиқишининг ҳамда фуқароларга етказилиши мумкин бўлган мулкий зарарларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Қонун лойиҳасини унинг ташаббускори депутатларга тақдим этади

Амалдаги қонунчиликка кўра, қонун лойиҳаси ваколатли ташаббускор идора томонидан Қонунчилик палатасига киритилганидан сўнг уни муҳокамаларга тайёрлаш ҳамда биринчи ва кейинги ўқишларда парламент аъзолари олдига ҳимоя қилиш депутатлар томонидан амалга оширилади.

Бугунги кунда ушбу тартиб ўзини қай даражада оқламоқда?

Ўтказилган таҳлилларга кўра, бу ташаббускор идораларнинг сифатли қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишдаги маъсулиятининг суъсийишига, натижада, баъзи ҳолларда Қонунчилик палатасига тўғридан-тўғри амал қилиш механизмига эга бўлмаган қонун лойиҳаларининг кириб келишига сабаб бўлмоқда.

Мажлисда биринчи ўқишда қўриб чиқилган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектларининг қонун ижодкорлиги жараёнидаги маъсулиятини оширишни назарда тутяди.

Бир гуруҳ депутатлар томонидан ишлаб чиқилган ушбу ҳужжат билан "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида"ги ҳамда "Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида"ги қонунларнинг тегишли моддаларига ўзгаришлар киритилишмоқда. Унга кўра, қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинаётганда маъруза билан чиқиб, уни концептуал асослаш ҳамда депутатлар олдига ҳимоя қилиш вазифасини қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъекти ёки унинг вакили зиммасига юклатиб тақдим этилмоқда.

Депутатларнинг таъкидлашича, мазкур амалиётнинг жорий этилиши қонун лойиҳаларини қўриб чиқиш самарадорлиги ошишига ҳамда қонун лойиҳалари сифатининг яхшиланишига хизмат қилади. Ташаббускор идора вакили қонун лойиҳасининг аҳамиятини депутатлар олдига асослаб бера олмаган ҳолларда лойиҳани қўриб чиқишни рад этиш амалиётининг кенгайишига шaroит яратяди. Бу эса, ўз навбатида, қонун лойиҳалари бўйича муҳокамалар кизгин баҳс майдонида айланишига имкон беради.

Муҳокамалардан сўнг, қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қабул қилинди.

Зейна АШУРОВА («Халқ сўзи»).







